

**Амнистия тўғрисидаги қарорнинг 3-банди тўғри татбиқ этилганлиги сабабли суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Собир Раҳимов туман судининг 2010 йил 16 августдаги ҳукмига асосан Т. Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а» банди билан 5 йил, 28,211-моддаси 3-қисми «а» банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида узил-кесил 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича С.Раҳимов тумани судининг 2010 йил 6 сентябрдаги ажрими билан Т.га нисбатан Олий Мажлис Сенатининг 2010 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори 3-банди татбиқ этилиб, Т. тайинланган жазодан озод қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 29 октябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилиб, жиноят ишлари бўйича С.Раҳимов тумани судининг 2010 йил 6 сентябрдаги ажрими бекор қилиниб, янгидан кўришга юборилган.

Жиноят ишлари бўйича С.Раҳимов тумани судининг 2010 йил 23 ноябрдаги ажрими билан Т.га нисбатан Олий Мажлис Сенатининг 2010 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори 3-банди татбиқ этилиб, Т. тайинланган жазодан озод қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2011 йил 29 апрелдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича С.Раҳимов тумани судининг 2010 йил 23 ноябрдаги ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди Раёсатининг 2011 йил 9 июндаги қарори билан Т.га нисбатан амнистия актни қўллаш ҳақидаги ажрим ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Т. 2009 йил июнь, август, октябрь ойларида ўзганинг мулкани алдаш йўли билан қўлга киритиш мақсадида А.нинг фирмаси томонидан Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 13-ўрта мактабни таъмирлаш ишларини олиб бориш вақтида талон-торож ҳолатлари аниқланиб, текширув ишларини пора бериш йўли билан тинчитиш учун 50.000 АҚШ доллари беришга далолатчилик қилиб, ундан 36.100 АҚШ долларини ҳамда 10.000.000 сўмга тенглаштирилган тилла тақинчокларини ломбардга бериб, пул олиши билан алдаб, А.нинг мулкани қўлга киритган.

Бундан ташқари Т. 2009 йил 7 октябрь куни Ш. билан жиноий тил бириктириб фуқаро М.ни алдаб мансабдор танишларига пора бериш йўли билан «Қишлоқ тараққиёт банки»дан 10.000 АҚШ доллари эвазига 80.000.000 сўм кредит олиб беришни ваъда қилиб, унинг 1000 АҚШ долларини қўлга киритган.

Т. такроран 2009 йил октябрь, ноябрь, декабрь ойларида фуқаро Ф.га 8200 АҚШ долларига «Нексия» автомашинасини танишига пора бериш йўли билан олиб беришини айтиб алдаб, унинг 4000 АҚШ долларини қўлга киритган.

Бундан ташқари Т. 2009 йил 22, 25 август кунлари фуқаро С.ни бир ой муддатда қарзни қайтариб бериш билан алдаб, унинг 5400 АҚШ долларини қўлга киритган.

Т. 2009 йил 5 декабрь куни Э.нинг ишончини суиистеъмол қилиб, таниши А. қамоққа олинганлигини айтиб, уни гаров эвазига қамоқдан чиқариш билан алдаб, унинг 1200 АҚШ доллари ва 500.000 сўм пулларини қўлга киритган.

Республика Бош прокурорининг ўринбосари назорат тартибида протест билдириб, Т.га нисбатан амнистия акти нотўғри қўлланилганлиги сабабли суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини янгидан судда кўриш учун юборишни сўраган.

Олий Мажлис Сенатининг 2010 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори 3-бандида содир этилган жиноятлари учун биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари жазодан озод қилиниши назарда тутилган.

Амнистия қарорининг қўлланиш тартиби ҳақидаги Низомнинг 9-бандига кўра, амнистия тўғрисидаги қарорнинг 3-банди таъсир доирасига амнистия тўғрисидаги қарор кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирони деб топилган шахслар кириши кўрсатилган.

Иш материалларига қараганда, Т. туғма касалликка чалиниб, 1992 йил 29 январь куни 26-сонли болалар поликлиникасида болаликдан ногирон деб топилган. Бу ҳақда тузилган 7-сонли тиббиёт хулосасида Т. 1994 йил 1 январь куни қайта гувоҳлантиришдан ўтиши лозимлиги кўрсатилган.

Шундан сўнг Т. тиббий меҳнат экспертизаси кўригидан 1995 йил 13 сентябрда ўтиб, унга 1997 йил 1 октябргача иккинчи гуруҳ ногиронлиги белгиланган ҳамда 1997 йил 26 сентябрь куни қайта кўрикдан ўтиш кўрсатилган.

Кейинчалик Т. 1998 йил 25 февралдан 5 майгача қайта кўриқдан ўтиб, унга 1998 йил 1 мартдан 2000 йил 1 мартгача такроран иккинчи гуруҳ ногиронлиги белгиланиб, 2000 йил 25 февраль куни қайта кўриқдан ўтиш кўрсатилган.

Бироқ Т. 2000 йил 25 февраль куни аниқланмаган ҳолатларга кўра, қайта кўриқдан ўтмаган.

Жиноят иши судда кўрилиш жараёнида Т. бирламчи кўриқдан ўтиб, унга 2011 йил 1 декабргача ногиронлик белгиланган.

Кассация инстанцияси суди мажлисида Тошкент шаҳар Бош тиббий–мехнат экспертизаси комиссияси раисининг ўринбосари Т. тузалмайдиган касалликка чалинганлиги туфайли болалиқдан ногирон бўлиб топилганлиги, унинг суяклари ривожланмасдан ёши катта бўлиб боргани сайин касали оғирлашиб, суягининг бўғим қисми ўсиб бориши, маълум бир вақтда унга ногиронлик белгиланмаган бўлсада, касаллиги ўзгармаганлиги, у болалиқдан ногирон деб топилганлиги сабабли 2010 йил 22 ноябрь куни иккинчи гуруҳ ногиронлиги муддати чўзилганлиги ҳақида маълумотнома берилганлигини баён этган.

Амнистия актининг қўлланиш тартиби ҳақидаги Низомнинг мазмунига кўра, қарорнинг 3-банди таъсир доирасига амнистия тўғрисидаги қарор кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда тиббий хулоса асосида биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирони деб топилган шахслар киради.

Т. 2010 йил 28 августдаги амнистия тўғрисидаги қарор кучга киргунга қадар 1992 йил 29 январь куни 7-сонли тиббий хулоса асосида болалиқдан иккинчи гуруҳ ногирони деб топилганлиги сабабли унга нисбатан амнистия тўғрисидаги қарорнинг 3-банди тўғри татбиқ этилган.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича Олий суд судлов ҳайъатининг 2011 йил 18 августдаги ажрими билан Т.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгаришсиз, протест қаноатлантirmасдан қолдирилди.

***Назорат иши ЖСХ-229-11***